

Абдумурод Тилолов

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯХШИ  
ОТА-ОНА БЎЛИШ МУМКИН

ёхуд  
ФАРЗАНД ТАРБИЯЛАШ  
СИРЛАРИ



ТАРБИЯ

Абдумурод Тилавов  
Зебо Адашова

# ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯХШИ ОТА-ОНА БЎЛИШ МУМКИН

## ёхуд ФАРЗАНД ТАРБИЯЛАШ СИРЛАРИ

- Оила ва бола тарбияси
- Болага китоб беринг
- Ибратли савол-жавоб
- Қизингиз севиб қолса...
- Ўғлингиз севиб қолса...
- Ўғлимга насиҳатларим
- Қизимга насиҳатларим
- Оила даврасида ўқиладиган ибратли эртақ, ҳикоя ва ҳикматлар

«Sano-standart» нашриёти  
Тошкент – 2019

**УДК: 37.018.**

**КБК: 87.7**

**Т 49**

**А. Тилавов, З.Адашова. Қандай қилиб яхши ота-она бўлиш мумкин ёхуд фарзанд тарбиялаш сирлари. – Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. – 160 бет.**

**Соғлом муҳитда тарбия топган фарзанд ота-онасининг кўз қувончи, бахт-саодати. Бундай фарзандлар жамият тараққиётининг асосий таянчидир.**

**Ушбу китоб бу борада ҳар бир ота-она, тарбиячилар учун зарур қўлланма бўлишидан умидвормиз.**

**Тақризчи:**

**Шермуҳаммад Омонов,  
филология фанлари номзоди**

**УДК: 37.018.**

**КБК: 87.7**

**ISBN: 978-9943-5912-0-2**

**© «Sano-standart», 2019**

**© Абдумурод Тилавов**

## ДЕБОЧА

Алҳосил, тарбия бизлар учун

ё ҳаёт – ё мамот ё

нажот – ё ҳалокат ё

саодат – ё фалокат масаласидур.

Расули акрам набийи муҳтарам соллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Инсонларнинг қарами динидадур, муруввати ақлиндадур, ҳасаби ахлоқиндадур», – демишлар.

Абдулла Авлоний

\*\*\*

...Агар бахт фақат емак-ичмақда бўлганда, етим-хонадаги болалар энг бахтиёр саналардилар. Аммо улар устилари бут, қоринлари тўқ бўлса-да, йиғлайдилар. Хўш, нега йиғлайдилар? Бундан чиқди, ота-она билан яшаш катта имтиёз экан-да! Отанинг тиззасида ёки биқинида суяниб яйрамоқ, ҳидини туймоқ, остонада йўллари пойлаб ўтирмоқ ҳам бир бойлик экан! «Дада-а!» деб чақирсанг, сенга бурилиб қараётган отанг эмас, БАХТ экан!

(Турсуной Содиқова)

Дарҳақиқат, жаннатмакон юртимизда оила, фарзанд ва ота-она аталмиш муқаддас тушунчалар асрлар давомида шаклланиб, халқимиз жипслигини таъминлаб келаётган муқаддас тушунчалар ҳисобланади. Ҳар бир миллатни ер юзидаги мақомини белгилаб берувчи қимматли бойликлари мавжуд бўлиб булар орасида энг юксак баҳоланадигани, бу унинг халқидир.

Демак, халқ билимдон бўлса, халқ солиҳ бўлса, халқ беандиша бўлмаса, халқ анъанага содиқ бўлса, юрт ҳам гуллаб яшнаш ва ривожланар экан.